

**МАИШИЙ ГАЗ БАЛЛОНЛАРИДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ
ҚОИДАЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?**

Жумаев Сайфиддин Қодирович

Фавкуллодда вазиятлар вазирлиги Академияси кафедра бошлиғи ўринбосари

Аннотация: ушбу мақолада Газ баллонларини транспортировка қилишда хавфсизлик талаблари, Газ баллонларидан фойдаланиш, Газдан фойдаланиб бўлгандан сўнг газ плитасидаги ва баллондаги жўмракни беркитиш кераклиги, Авария ҳолатларида хавфсизлик талабларини билиш кераклиги хақида сўз боради.

Калит сўзлар: газ баллон, фойдаланиш, йўриқнома ўрнатиш, текшириш, хавфсизлик талаблари.

Ҳар бир истеъмолчи газ баллон қурилмасидан хавфсиз фойдаланиш бўйича газ таъминоти идорасининг техника хонасида йўриқномадан ўтиши ёки мустақил равишда йўриқнома билан танишиши шарт. Истеъмолчилар газ баллон ускуналарини техник қаровдан ўтказишда ва газдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини тарғиб қилишда газ авария хизмати ходимларига ҳар томонлама ёрдам беришлари керак бўлади. Газдан фойдаланиб бўлгандан сўнг газ плитасидаги ва баллондаги жўмракни беркитиш шарт.

Газ баллонлари бинога кириш жойидан 5 метр масофада, деворнинг эшик ромлари ўрнатилмаган томонига ёнмайдиган материалдан қурилган алоҳида хона ёки махсус қутига ўрнатилади. Баллонлар сони 3 тадан ошмаслиги шарт.

Хонада газ ҳидини сезганда, газ плитасидаги жўмракни беркитиш, баллонни ажратиб ташқарига чиқариш, хонани шамоллатиш, 1004 рақами орқали газ авария хизматига қўнғироқ қилиш лозим, Олов ва электр асбобларини ёқиш ҳамда учқунни юзага келтирувчи жихоз ва ускуналардан фойдаланиш қатъиян таъқиқланади.

Газ асбобларини тоза – озода сақланиши, овқат тайёрлаш жараёнида уларни горелкаларининг ифлосланишини олди олиниши лозим. Маромлагични ўрнатишдан олдин зичловчи халқанинг ҳолатини текшириш, халқада ёриқлар, кесилишлар бўлмаслиги ва клапанга зич кириши лозим.

Қуйидагилар таъқиқланади: Икки қаватдан юқори бўлган кўп квартирали уйларда, ертўла ва цоколли хоналарда, чордоқ ва мансардаларда газ баллон қурилмаларидан фойдаланиш, тўлдирилган газ баллонларини яшаш хоналари, ювиниш хоналари, дахлиз, ертўла ва иситиш тармоқлари олдида сақлаш, носоз газ баллонларидан фойдаланиш ва уларни ўзбошимчалик билан қайта ўрнатиш, алмаштириш ва таъмирлаш, қишки вақтда баллонларни иссиқ сув ёки бошқалар ёрдамида қиздириш, ишлаб турган газ асбобларини назоратсиз қолдириш, улардан фойдаланиш учун ёш болаларга ёки фойдаланиш йўриқномасини

билмайдиганларга рухсат бериш, хонада шамоллатиш тизими бўлмаганда газ баллон қурилмасидан фойдаланиш, баллон қурилмасида газ иситиш ҳолатини очиқ олов ёрдамида аниқлаш, баллонларни алмаштириш вақтида хонада олов ва электр асбобларини ёқиш, баллонларни алмаштиришни шу ишга даҳли бўлмаганлар иштирокида бажариш.

Газ баллонларини транспортировка қилишда хавфсизлик талаблари. Газ баллонлари хавфли юкларга киради, уларнинг энг кам ташиш миқдори 250 дона бўлиб, хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилиниши шарт. Баллонларни транспортировка қилиш учун махсус коржомаси тоза, ёғ ёки мой маҳсулотлари билан ифлосланмаган ишчиларга рухсат берилади. Уларнинг қўллари мойланмаган бўлиши шарт, автомобил транспортида баллонларни транспортировка қилиниши “Инерт газлари ва суюлтирилган, сиқилган кислородни автомобил транспортида ташиш Қоидалари”га биноан амалга оширилиши шарт, баллонларни рессорли транспорт воситаларида, махсус замбил ва аравачаларда транспортировка қилиш мумкин, баллонларни аравачага юклаш ва ундан туширишда, баллонларнинг ўз-ўзидан ҳаракатланишига йўл қўймаслик чоралари кўрилиши шарт, Баллонларни контейнерсиз транспортировка қилишда: баллонларга ҳимоя қопқоқлари маҳкамланган бўлиши, баллонлар ёғочли ва ички томондан кигиз ёки юмшоқ материаллар билан қопланган туйнукларга жойланиши, баллонлар бир қатордан кўп юкланса, қатор оралиқларида бир бирига тегишини олдини олувчи сақлагичлар қўйилиши шарт. Бунда қалинлиги 25 мм бўлган резина халқалари ва зиғир толали арқон ишлатилиши мумкин, баллонлар жўмракларини бир томонга, автомобил кузовининг йўналиши бўйлаб ўнг тарафга қараб жойлаштирилиши шарт, баллонларни тушуриш ёки юклашда уларни улоқтириш, бир-бирига зарбланиши, жўмракни пастга йўналтириб тушуришга йўл қўйилмаслиги шарт, кузови ифлос, ахлат ёки мой маҳсулотлари мавжуд автомобилларга баллонларни юклаш тақиқланади, баллонларни контейнерларда ёки контейнерсиз, тик ҳолда, қаторлар орасида сақлагичлар қўйиб ташишга рухсат берилади, ёзги вақтда ташилаётган баллонлар брезент ёки бошқа қопламалар ёрдамида қуёш нурларидан ҳимояланиши шарт, газ баллонларини ташишда жавобгар шахс транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳисобланади, газ баллонларини ташувчи транспорт воситасининг ҳаракатланиш тезлиги 60 км/соатдан ошмаслиги шарт, кўриш имконияти 300 метргача чекланган (туман, ёмғир, қор ёғиши ва ш.ў) бўлса газ баллонларини ташиш тақиқланади, одамларни бир кузовда тўлдирилган газ баллонлари билан ташиш тақиқланади,

Авария ҳолатларида хавфсизлик талаблари. Баллондан газ сизиши унинг ҳидидан, овоз чиқаришидан, газ сизиш жойида сув томчилари ва музлашлар ҳосил бўлишидан ҳамда совун кўпиғи ёрдамида аниқлаш чорасини кўриш лозим. Баллондаги газ сизишини очиқ олов билан аниқлаш тақиқланади.

Суюлтирилган газ билан паст ҳароратда меъёридан ортиқ тўлдирилган баллонлар қизиганда портлайди ва ёнғин содир бўлади, суюлтирилган газ баллонларни ҳажмининг 85 фоизидан ортиқ тўлдириш тақиқланади, Хонада газ ҳидини сезганда, газ плитасидаги жўмракни беркитиш, баллонни ажратиб ташқарига чиқариш, хонани шамоллатиш, 104 рақами орқали авария хизматига қўнғироқ қилиш, бу ҳолатда олов ва электр асбобларини асло ёқмаслик лозим.

Айрим меъёрий ҳужжатлар талабларига асосан маиший газ баллонларидан фойдаланиш тартиби белгиланган.

“ҚМҚ 3.01.02-00 Қурилишда ҳавфсизлик техникаси” меъёрий ҳужжатига асосан:

6.17 – банди. Газ баллонларни ташиш, сақлаш, бериш ва қабул қилишни улар билан муомала қилишга ўргатилган шахсларгагина рухсат этилади.

6.18 – банди. Газ баллонларини зарбалардан ва бевосита қуёш нурлари таъсиридан сақланиши ҳамда иситиш асбобларидан камида 1 м масофага узоқлаштирилиши лозим.

6.19 – банди. Газ баллонларини "Саноатконтехназорат" Агентлиги тасдиқлаган "Босим остида ишловчи идишларнинг тузилиш ва ҳавфсиз ишлатиш Қоидалари" талабларига мос тарзда махсус қуруқ ва шамоллатиладиган хоналарда сақлаш лозим. Бўш баллонларни газ тўлдирилганларидан айрим сақланади.

Ишлаш тўхтаганидан сўнг газли баллонларни бегона кишилар киришини истисно қилувчи махсус сақлаш учун ажратилган жойларда сақланишлари, кўчма ацетилен генераторлар эса, кальций карбиддан бўшатилиб, махсус ажратилган жойга олиб бориб қўйилиши лозим.

6.20 – банди. Газ баллонларини кўчиришни бу мақсад учун мўлжалланган аравачаларда, контейнерларда ҳамда баллонларнинг турғун вазиятини таъминловчи бошқа қурилмаларда бажариш лозим.

ШНҚ 2.07.04-12 “Қишлоқ фуқаролари йиғинлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий-режавий ташкиллаштириш” меъёрий ҳужжатига асосан:

81-банди. Қишлоқ фуқаролари йиғини ёки қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудининг газ таъминоти табиий ва суюлтирилган газ билан амалга оширилиши мумкин.

Аҳоли пунктларининг газ таъминоти учта: бир босқичли, икки босқичли ва уч босқичли усулларда амалга оширилади.

Одатда, асосан икки босқичли тизимдан - ўртача (ёки юқори) ва паст босимли газ қувурларидан фойдаланилади.

Уч босқичли тизим (юқори-ўртача-паст босимли газ қувурлари) - алоҳида ҳолларда (юқори босимли газ талаб қилинувчи ишлаб чиқариш мавжуд бўлганида) қўлла-нилиши мумкин.

Суюлтирилган газ билан газлаштириш етиб бориш қийин бўлган ва олис

аҳоли пунктлари учун тавсия қилинади, бунда туманлардаги газ тўлдириш станцияларидан аҳоли пунктларигача махсус автомашиналарда газ баллонларини (одатда – $V=27\text{л}$) етказиб бериш ташкил этилган бўлиши зарур. Суюлтирилган газ меъёри - 1 ойлик муддатга 1 хўжалик учун 3 та баллон.

Газ таъминоти масалаларини ҳал этиш учун у ёки бошқа газ турининг қўлланилиши ҳар бир аниқ ҳолда техник-иқтисодий мақсадга мувофиқликни ҳисобга олиб ҳал этилади.

“Аҳоли кўп йиғиладиган масканлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари. ЁХҚ-01-97” нинг 2.2-бандида - Ошхонадаги ва бошқа плиталарни газ билан таъминлайдиган газли баллон сиғимлари (12 литр ҳажмдан юқори бўлса) бинога кириш жойидан 5 метрдан кам бўлмаган масофада, деворнинг эшик ромлари ўрнатилмаган томонига ёнмайдиган материалдан қурилган алоҳида хона ёки махсус қутига ўрнатилиши, бунда баллонлар сони 3 тадан кўп бўлмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган.

Аммо ШНК 2.04.08-13нинг 9.44-бандида “Маиший газ баллон ускуналарини ўрнатилиши яшаш биноларининг ташқарисида, шунингдек ичкарисида ўрнатилиши кўзда тутилган.

Бунда, бино ичкарисида ўрнатиладиган газ баллонларнинг сони 1 тадан ошмаслиги, бинонинг қаватлари сони 2 қаватдан кўп бўлса газ баллон ускуналарини ўрнатилмаслиги, фуқароларнинг шахсий мулки бўлган 2 қаватли биноларнинг фақатгина 1 қаватида газ баллон ускуналарини ўрнатишга рухсат берилиши” белгилаб қўйилган.

Бу талаб, СТХ 15-107-14 “Газ хўжалигидан техник фойдаланиш қоидалари”нинг 533-бандида қуйидагича ифодаланган, яъни “Бино ичкарисида баллонларни жойлаштирганда, 1 та ҳажми 55 литр бўлган ёки 2 та ҳажми 27 литр бўлган газ баллони (биттаси захира) ўрнатилишига рухсат берилади.

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўзғорда газдан фойдаланиш қоидалари”нинг 6-бандига кўра – “Аҳоли яшайдиган уйлардаги газ плиталарини газ баллон ускунаси билан жиҳозлаш ишлари газ хўжалиги корхонаси томонидан тузилган чизма асосида амалга оширилиши” белгилаб қўйилган бўлсада, ушбу чизмаларни тузишда ёнғин хавфсизлиги талабларидан келиб чиққан ҳолда бинога кириш жойидан 5 метрдан кам бўлмаган масофада, деворнинг эшик ромлари ўрнатилмаган томонига ёнмайдиган материалдан қурилган алоҳида хона ёки махсус қутига ўрнатилиши шартлиги келтирилмаган.

Аммо, ушбу қоидани 17.4-бандида – “Яшаш уйи газ баллон ускунаси жавонидан газлаштирилганда, жавон соз ҳолда сақланиши, зарур ҳолларда таъмирланиши ва бўялиши, “Газ”, “Ёнғинга хавфли” ёзувларни янгиланиши” белгилаб қўйилган.



Газ баллонлари учун жавонларга белгиланган ёзувларни ёзилиши

Агар ушбу қойдаларда газ баллон ускунали жавоннинг ўрнатилиши шартлиги, уни ўрнатишга қўйилган техник шартлар белгиланмаган бўлса, жавондан фойдаланишдаги талабларни келтирилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Натижада газ баллон ускунасини ўрнатишда ёнгин хафсизлиги қоидаларининг талабларига амал қилинмай, аксарият ҳолларда улар аҳоли хонадонларидаги шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ўрнатилмоқда.